

Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!

O'zingni anglab!



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2018-yil 11-iyul, chorshanba



№ 29 (1091)



1996-yil dekabrдан chiqa boshlagan



Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz



www.hurriyat.uz

► Таҳлил

Таниш-билишчилик ҚУЛОҒИНИ УШЛАБ КЕТАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 декабрда қабул қилинган «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида фаолияти йўлга қўйилган Давлат хизматлари агентлигининг жойлардаги марказлари иши халқимиз эътирофига сазовор бўлмоқда.

Наманган шаҳар Давлат хизматлари марказида — замонавий услубда жиҳозланган файзли зал «А», «Б», «С» секторларга бўлинган. Электрон навбат чекида «А-сектор КС-1» ёзуви чиқса — электр энергияси, «КВ-1» — табиий газ бўйича, «Б-сектор АЖ-2» ёзуви эса — электрон имзо масаласига йўналтирилган.




Оилавий тадбиркорлик: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Оилавий тадбиркорлик Ватанимизда қадим-қадимдан муҳим аҳамият касб этиб келган. Аммо собиқ иттифоқ даврида барча ишлаб чиқариш турларининг умумлаштирилиши бу жараёни тўхтатиб қўйди. Натияжада

йиллар давомида шаклланган оилавий хўжалик юритиш аъёнлари, касб-хўна тарихисига йўқ бўлиш даражасига келиб қолди. Шукри, истиқлол йилларида бозор муносабатларига ўтиш, хусусий мулкни тиклаш, қадимий

касб-хўна аъёнлари, хўна тарихисига, қасаначилик, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантиришга кенг йўл очилди. Бу борадаги ислохотлар йил сайин кучайиб бормоқда.



3-бет

3-бет

► Дикқат, танлов!

“ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ”

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, “Ўзбекино” Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишлаб “ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ” аъёнани танловини эълон қилади.

Танловга “Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!” деган эзгу гоҳни ўзда мужассам этган ва 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоҳлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурийнинг маъно-мазмунига мувофиқ яратилган, давлатимиз ва жамиятимиз қурилиши тизимини такомиллаштириш, айниқса, халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, инсон манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишни ёритувчи; тинчлик-осойишталик ва хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ташқи сибсат соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни жадал ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган кенг қўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини ҳаётини мисоллар орқали очиб берувчи ижодий асарлар қабул қилинади.

“Энг улуг, энг азиз” танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг мақолалари;
- оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатига олинган веб-сайтлар ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғла-ниш телефонлари.

Танловга 2017 йилнинг 1 августидан 2018 йилнинг 1 августигача бўлган даврда расман чоп этилган адабий-бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намоёниш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 3 августигача қабул қилинади.

Танлов гоҳилари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар “Энг улуг, энг азиз” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси. Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-11-64.

КЕЙИНГИ СОҢЛАРДА:

ДАҲОЛАР
ЁНИМИЗДА
ЯШАЙДИ

ЗАРАФШОНДАН
МЕҲМОН
КЕЛДИ

МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР:
МУАММО
ЕЧИМИНИ ИЗЛАБ

“БАЛКИ
СЎЗЛАШАРМИЗ
ҚУШЛАР ТИЛИДА”

► Фикр

Боқимандаларнинг КЎЗИ ОЧИЛСА

Ўн беш йилча бурун таникли рус олими Никита Восеевнинг “Информационное общество” (“Ахборот жамияти”) китоби дунё сиёсатчиларининг эътиборини тортди. Олининг қарашлари акс этган тўпламда шундай сатрларни ўқиш мумкин: “Эндликда давлатлар эҳроми чўққисини ҳозиргидек энг кўп қурол-яроғ ишлаб чиқараётган мамлакат ҳам, ер бағридан энг кўп бойлик қазиб олаётган давлат ҳам, ҳаттоки, энг кўп ҳисоблаш ва бошқа электрон асбоблар ишлаб чиқараётган салтанатлар ҳам забт этолмайдилар...” Муаллифнинг фикрича, бундан буён янги илмий ва техникавий гоҳларни қўллаб-қувватлаган, фуқаролари юқори малакали ва тартиб-интизомга қатъий риоя этувчи ҳамда юқсак “жамоавий ақл”га эга мамлакатларгина олдинги марраларни эгаллайди.

Соддароқ айтсак, мамлакат жадал ривожланиши учун халқининг дунёқарши, онгидаги замонавий ўзгаришлар муҳим ўрин тутар экан.

Шукр, одамларимиз қарши жуда тез ўзгариб борапти. Кимдир фарзандлари учун қуриладиган замонавий ўқув масканлари, замонавий турар-жойларини, яна кимдир, ўз турмуш даражасининг ошаётганини, бошқа биров эса давлатимизнинг халқаро нуфузи юқсалиб бораётганини кўриб, қувонмоқда. Бундай ўзгаришларга ўзининг фаол ҳиссасини қўшмоқда.

Яқинда Узоқ шарқда бир муддат ишлаб қайтган танишим билан учрашиб қолдим.


“Денгиз портларидан бирида юк туширдим, — деди у. — Атрофимдаги ишчилардан бири мункиллаб қолган аёл, момо эди. Унинг қийналаётганини кўриб, эзилардим: “Ишлаши шартми-кан? Кексалик нафақасига шукр қилиб, худо деб уйда ётса бўлмасмикан?”

Бир куни шу саволни унинг ўзинга бердим. Аввалига у гапимни тушунмади. Кейин шундай жавоб берди: “Кексалик ҳар қасга нафақа берилаверса, буни қайси мамлакатнинг хазинаси кўтара олади?”. Қисқаси, шундай буюк давлатда кексалик нафақаси ҳаммага ҳам берилмаслигини ўшанда билдим. Яна шунга англадимки, дуненинг аксарият мамлакатларида ўзи ишлаб топган пулидан жамғариб борган пенсиясидан саноқли кишиларгина нафақа олар экан. Ҳамкасб момомизга бизда, Ўзбекистонда кексалик ёшига етган ҳар бир фуқаро албатта моддий таъминотга эга бўлиши, пенсия олишини айтганимда, жуда ажабланди. Ишонмади”.

Мамлакатимиз сарҳадидан нарига чиқмаган айрим юртдошларимизнинг “хорижда ундай, бизда эса ҳали ҳам бундай” деб давраларда гап сотиш кишига алам қилади. “Берсанг ейман...” қабилида иш тутадиган, мудом жамиятдан, давлатдан нолийдиган, чойхоналарда вийбатдан бўшамайди-ган бундай боқимандалар ўз атрофидаги қанчадан-қанча кишининг кўнглига гулгула солиши, ишдан ва ҳаётдан совутиши мумкин.

Ҳа, қачондир, қайсидир давлат тараққий-ёт чўққити сари ўрласа, уни забт этса, бунга энг аввало, ўша юрт халқининг дунёқаршидаги буюк ўзгаришлар, аҳиллиги, матонатли меҳнати, иродаси, онги, ўйгоқ виждони сабабдир. Боқиманда қайфият билан ҳеч ким ҳеч қаерга боролмайди.

Анвар АҲМЕДОВ



HURRIYAT STRATEGIYASI 2017-2021

Давр ўзгаришлари

Аҳоли иш билан таъминланса, оилаларда барқарор даромад манбаи бўлса, фаровонлик ошади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 июнда эълон қилинган "Хар бир оила-тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори ана шу эзгу мақсадга қаратилган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш орқали аҳоли кенг кўламли тадбиркорликка жалб этилиб, янги иш ўринлари яратилади.

Маълумки, қарорда намунавий тарзда Андижон вилоятида жорий йилнинг 10 июнига қадар ишчи гуруҳларини ташкил этиб, туман ва шаҳарларда "Хар бир оила-тадбиркор" худудий дастурини амалга ошириш лозимлиги алоҳида қайд этилган. Бу бежиз эмас.


Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 19-20 май кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини тадбиркорлик, хунармандлик, фермерлик, касаначиликка ўргатиш орқали уларга даромад манбаи яратилишига қаратилган "Хар бир оила - тадбиркор" дастурининг Андижон вилоят мисолидаги концепцияси намойиш этилган эди.

Вилоятда бўлиб, андижонликлар зиммасига юклатилган бу вазифани қай тарзда амалга ошираётганини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Президентимиз Андижонга ташрифи чоғида вилоятда аҳоли эҳтиёжларини, экан майдонлари чеклангани ҳамда меҳнат ресурслари қўллигини инобатга олиб, ҳар бир оилани тадбиркорликка ва қўшимча даромадга эга бўлиш, аҳоли турмуш тарзини ва даражасини сезиларли даражада оширишга қаратилган "Хар бир оила - тадбиркор" дастурини Андижон намунаси сифатида тақдим этиш юзасидан топшириқлар берди, — дейди Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича котибати бош мутахассиси Жамолiddин Атаптаев. — Белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдужаббор Эгамбердиев бошчилигида ишчи гуруҳи тузилди. Вилоятдаги 878 маҳалла фуқаролар йиғинларидан истиқомат қилувчи 763 минг 874 оиланинг ҳар бирини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида иқтисодий мажмуа тизимидаги 2 минг 151 нафар ишчи-ҳодим бириктирилди. Ҳозирги кунда республика йиғинларидан ва вилоятдаги иқтисодий мажмуа таркиби-га кирувчи ҳодимлар ҳар хонадонда бўлиб, вазиятни ўрганимиз.

Шу йилнинг 20 июнига қадар вилоятдаги жами хонадонларнинг 92 фоизи, аниқроғи, 490 минг 773 хонадон ўрганиб чиқилди. Хулоса қилиб айтганда, 198 минг 141 хона-

Орзулари ушалаётган одамлар



дон эгаларининг 2 триллион 919 миллиард сўм миқдорда кредит олишга хоҳиши борлиги аниқланди.

Вилоят аҳоли олинажак кредитларни қорвачилик, қуёнчилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, иссиқхона қуриш, боғ ва тоқорлар барпо этиш, сартарошчилик, косметология, косибчилик, тунукасозлик, заргарлик, хунармандчилик, ёғоч ва алюминий профилдан эшик ва дераза ромларини тайёрлаш, автосервис, ҳаммом фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтиришни ният қилган.

Сафар чоғида вилоятнинг "Андижоннома" газетаси тахририятидаги ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашганимизда улардан бизни қизиқтирган мавзуга доир қўлаб янгиликлар эшитдик.

— Хар бир секторда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан кредит йўналишлари бўйича ўрганилган — дейди газета муҳбири А.Дамитов. Маттир қишлоғи Солбоши маҳалласида яшовчи Муроджон Қобилжонов бир ярим йил аввал бедана гўшти ештиришини бошлаган эди. Ҳозирда хонадонда мингдан ортик бедана боқяпти.

Муроджон янгича услубда ташкил этган инкубаторда 30 минг бедана, товук туҳумидан ўн беш минг жўжа олиш ниятида. Шерзодбек Алдашев "Африка лакқаси"ни парвариш-ляпти. Избосканининг Жонобод қишлоғида яшовчи Ахмаджон Қўзиёв имтиёзли кредит сабаб ҳар жойда ишлаб юрган уста ўвилларини бир жойга жамлаётганидан хурсанд.

— Жорий йил 10 июндан вилоятимизда дастур ижросига кири-

туманида 40534 оиланинг 10450 таси қорвачилик, 186 таси қуёнчилик, 713 таси паррандачилик, 304 таси балиқчилик, 285 таси асаларичилик билан шуғулланишга, 1192 та оила иссиқхона қуриш, 118 та оила боғ ва тоқорлар барпо этиш, 41 та оила сартарошчилик, 72 та оила косметология хизматини йўлга қўйиш, 25 та оила косибчилик, 47 та оила тунукасозлик билан шуғулланишга аҳд қилиб, кредит сўраган.

Қуёнчилик, паррандачилик, балиқчилик, маиший хизмат, хунармандчилик йўналишини танлаган оилаларимиз ҳам талайгина.

Туманда тадбиркорликни бошлаш арафасида турган оилаларга мактаб вазифасини ўтатиш мумкин бўлган оилавий қорхоналар аниқгина экан. Шулардан бири Отабек Мурзоев раҳбарлик қилаётган "Барлос" минни кластеридир.

— Корхонамизда ака-укаларим ва ўзимнинг оила билан ҳисоблаганда 30 киши ишлади, — дейди кластер раҳбари Отабек ака. — Корхонани 2009 йилда ташкил қилганимиз. Асосан насли қўй ва маҳсулдор асалари оилаларини қўпайтириб сотиш билан шуғулланамиз. Бугунги кунда супер, элита, киррик хисори қўйлар зотларини, асаларининг Карпатянка, Витическая, Чемпионка, Корненка, Италиянка каби турларини қўпайтиряпмиз.

Отабек ака хонадондаги қўраларда хисори қўйлар зотиға қараб алоҳида-алоҳида боқилади. Келаётган харидорлар хоҳлаган зотини танлаб сотиб ола-япти.

— Тадбиркорлик кони фойда — дейди Отабек ака. Тўққиз йилдан бери шу соҳада фаолият юритиб кам бўлмадик.

Қувонтирадиган жиҳати қўпчилик андижонликлар қорвачилик билан асаларичилик соҳасида иш юритишни ният қил-япти. Чунки хисори қўйларни қанча қўпайтирсак, бозорларимизда гўшт нархи арзонлашади. Уларнинг маҳсулдорлиги жуда юқори. Асаларининг фойдаси ҳақида гапирмасам ҳам ҳамма билади.

"Барлос" ташкил этилганидан буён ҳавас қилгулик ютуқларга эришиб келяпти. Бу йил савдоси юришгандан юришди. Қисқа муддатда 1160 қўй, 60 асалари оиласини сотди. Боқиб қўпайтираман деганлар учун битта қўй 800-900 минг сўмдан, насл оламан деганлар учун хисори қўйларни 1,5 миллион сўмгача сотаяпти.

— Ўрмон хўжалиғига қарашли 7000 гектар яйловда шартнома асосида қўйларимизни боқиб, парваришлаймиз, — дейди кластер раҳбари. — Ҳозир у ерда 4 мингта яқин хисори қўйимиз бор. 42 гектар майдонда қорва учун экин экамиз. 13 гектар майдонда асалариларимиз учун гулзор ташкил қилганмиз. Бундан ташқари, асални қандоқлайдиган цехимиз бор. Маҳсулотларимизни Тошкентдаги Чилонзор, Юнусобод, Миробод, Фарход, Чорсу, Олой бозорларида сотамиз.

Отабек ака қорвачилик ва асаларичиликни ривожлантиришдан ташқари туман худудида экотуризм-

ни ташкил этишни, асалари билан турли касалликларни даволашни йўлга қўймоқчи.

Ха, Қўрғонтепада "Барлос" минни кластери каби қорхоналарнинг фаолият йўли туманда тадбиркорликни бошлаш арафасида турган юзлаб оилалар учун намуна вази-фасини ўтаяти.

— Оиламиз билан маслаҳатла-шиб, қорвачилик йўналишида фаолият юритишга қарор қилдик, — дейди Мухайё Алимова. — 20 миллион сўм кредит олиб, хисори қўйларни қўпайтирмакчимиз. Ажаб эмас, биз ҳам Отабек акага ўхшаб келгусида тадбиркор бўлиб кетсак. Бизга ўхшаган оилаларга раҳмат қилиб, барча имкониятларини яратиб бераётган Президентимизга минг-минг раҳмат. Уларнинг ишончини оқлаш учун оиламиз билан астойдил ҳаракат қиламиз.

Биз билан суҳбатда 6 миллион сўм кредит олган Одинахон Қўтобева, 20 миллион сўм кредит олган Бахтиёр Алионов ҳам оилалари билан қорвачиликда имкониятларини синая қўришга аҳд қилганини айтишди.

— Мен яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланмакчиман, — дейди Шаҳобиддин Низомов. — Менинг хоҳишимга кўра 100 миллион сўм кредит ажратилиши. Худо хоҳласа, зарур асбоб ускуналарни сотиб олиб, фарзандларим билан ёғоч ва алюминий профилдан эшик ва дераза ромларини ясаб сотишни йўлга қўйимиз.

— Президентимизга ҳар қанча раҳмат айтсак арзийди, — деди Дилфуза Алихонова. — Мен ҳам кўп қатори 20 миллион сўм кредит олдим. Фарзандларим билан хунармандчилик соҳасида иш юритмоқчимиз.

Биз сафаримиз давомида қай бир андижонлик билан суҳбатлашмайлик уларнинг қалби ана шундай ниятлар билан тўлиб турганига амин бўлдик. Сўзимиз якунида ишларнинг баридан келиб, дилни-гизга туккан барча эзгу орзулариниғи ушласин, деймиз.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ, "Hurriyat" муҳбири

МИНТАҚА БОЗОРИДАГИ ФАОЛЛИК

Ҳамкорлик

Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида 6-7 июль кунлари ўтказилган "Сўд — 2018" халқаро савдо кўргазмасида мамлакатимизнинг қатор вилоятларидан саноат қорхоналари ўз маҳсулотларини ва хизматлари билан фаол иштирок этиб, олти миллион доллардан ортик етмишдан зиёд шартнома имзолади. Бу билан компанияларимиз кўргазмада иштирок этган бошқа давлатлар, жумладан Жанубий Корея, Россия, Қозғистон, Қирғизистон вакиллари орасида биринчиликти қўлга киритдилар.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида экспорт фаолиятини либераллаштириш ва содда-лаштириш, экспорт таркибининг географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 9-10 март кунлари Тожикистон Республикасида давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш юзасидан муҳим келишувларга эришилган эди.

Айни пайтда мазкур келишувларни амалга ошириш, ўзаро савдо айланмасини янада қўпайтириш, унинг анъанавий таркибининг диверсификация қилиш борасида салмоқли ишлар йўлга қўйилмоқда. Буни Хўжанд мар-



нинг қатор худудларидан, хусусан, Фарғона vodiysi, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидан келган қирқдан ортик қорхона юқори сифатли, рақобатбардош саноат маҳсулотларини ва хизматларини тақлиф этди. Бу мамлакатимизда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси туркираб ривожланаётгани, экспорт салоҳиятимиз тобора ошаётганининг амалдаги ифодасидир.

Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар халқаро кўргазмадаги иштироки тўғрисида "Hurriyat" газетаси муҳбирига қуйидагиларни гапириб бердилар.

— Биз ташки бозорлар учун харидорғир қандоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқараяпмиз, — дейди "Uzpolitech holding" компаниясининг тижорат директори Б.Воссов. — Улар экологик тоза ва юқори сифати билан ажралиб туради. Кўргазмада минтака фирмаларидан ташқари

Польша, Сербия, Беларусь, Хитой, Малайзия ва Япониядан келган ишбилармонлар билан ҳам ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳақида бевосита музокаралар олиб бордик.

"Original Colormix" компанияси директори Р.Юсупов: — Биз минтака бозорига лок-бўёқ ва қурилиш-пардозлаш маҳсулотларини етказиб бериш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллашга ҳаракат қилаяпмиз. Ишонч билан айтаманки, "Сўд — 2018" биз учун омадли бўлди.

Юқори технологияларга асо-

ланган Ўзбекистон компанияларидан яна бири "Standart IT-Sektor" хавфсизлик ва қўриқлаш тизимлари техникаси, турникетлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. — Йўналишимиз ва тақлиф этаётган маҳсулотларимиз минтака бозори учун янгилик ҳисобланади, — дейди компания бўлими бошлиғи М.Сафаранин. — Роботлаштирилган турникетларимиз нафақат таълим муассасалари, балки давлат идоралари ва ишлаб чиқариш объектларида ҳам яхши самара бермоқда. Қўшни давлатлар, хусусан Қозғистон билан яқин ҳамкорлик алоқаларига эгамиз. Ушбу кўргазма натижасида, Тожикистонда ҳам ўз ҳамкорларимизни топдик.

"Сўд — 2018" халқаро савдо ярмаркаси доирасида қатор бизнес форумлар, тақдиротлар бўлиб ўтди. Жумладан Фарғона ва Сўд вилоятлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланган иқтисодий анжуман иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Беруний АЛИМОВ Тошкент — Хўжанд — Тошкент.

Ушбу саҳифа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат субсидияси ажратилган "Ҳаракатлар стратегияси — юқалиш стратегияси" лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.




► Санъат

Ўзбек тасвирий ва амалий санъати жуда қадим ва бой. Рассомларимиз асарлари дунёнинг машҳур музейлари, санъат галерейлари, хусусий коллекционерлар қўлида сақланиб келмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 16 августдаги "Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарориди

Ижодий иزلанишлар самараси



ишлаб-чиқарган буюмларини каерга сотишни билмасди. 2018 йил 1 январдан Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдориди ойлик гонорар тўлаш тизими жорий қилинган

дан баҳра олиши учун йўл хариталари тузилиб, таниқли рассомлар, хунармандлар, усталар ва академиклар иштирокида кўргазмалар ташкил этилмоқда.

шуки, истеъдоди мамлакатимиздан ташқарида ҳам кенг эътироф этилган кўпгина ёшларимиз ўзимиздаги ихтисослаштирилган санъат-интернатларида тахсил олган,

ишироқ этиши учун ижодкорларга шарт-шароит яратилган иборат. Бугун кўплаб соҳаларда у - театр, шахарсозлик, туризм, ишлаб-чиқариш соҳаси бўладими, қатъи назар, рассом, хунарманд ва усталарнинг бетакрор ижод намуналарига дуч келамиз.

Ўқитиш сифатини ошириш, ўқувчи ва талабаларнинг пластик аномияни пухта ўзлаштиришини таъминлаш, бадий (тасвирий ва амалий санъат) таълимга ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари, ўрта махсус касб-хунар коллежлари, ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари учун жонли натура меҳнати ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ишлаб чиқариш. Соҳамиз тармоқлари йилдан-йилга кенгайиб, турмушимизга чуқур кириб борапти.

► Эҳтиром



АБАЙ КҮНОНБОВ: илм йўли - адолат йўли

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 13 мартдаги «Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янги bosқичга кўтаришди,

Абай ижоди билан танишган хар бир ўқувчи шеърининг олтин асоси - инсонийлик эканини фаҳмлайди. Шоир ўқувчиларни ноёб ва асл ахлоқий ғоялар сари етаклади.

Шоирлар инсон кўнглини - хазиначилар тўпланиб турган сандиққа менгзайдилар. Поэзиянинг шунга тил бағишлайдиган сеҳри - инсон вужудидаги энг асл, энг азиз ва юксак туйғулар томирини босиб, ташхис айта олишида бўлса керак.

1886 йили Абай "Илм топмай мактанма", "Интернатда ўқийди" каби шеърларни ёзди. У дастлабки шеърларидаёқ устоз шоир сифатида кейинги авлод вакилларига маърифатли ёшлар бўлиб етишишни васият қилади:

Илм топмай мактанма, Урин топмай болпанма. Хуморланиб шодланма

Ҳайди. Унинг айтишича, илм йўли - адолат йўли. Илм-фанга эришиш учун эски, қоқоқ дунёкарашлардан тозаланиб олиш керак.

Абайнинг бу даврдаги ёзган шеърларида халқ манфаатини тушуниб етган асл азаматнинг кифофаси кўриниб туради, у тарихий тараққиётни, ижтимоий ҳаётни яхши тушуниб етган шоир сифатида ижод қилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 13 март кунини чикарган тарихий қарори эндиликда абайшунослар учун дастуриламал, ўзбек - қозоқ адабий алоқаларини янги bosқичларга олиб чиқишда эса кенг имкониятлар эшигини очувчи асосий омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.


Ақан ТАШМЕТОВ, журналист, таржимон.

Ушбу гонорарлар жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғидан озод қилинди. Бадий академия аъзолари Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларига белгиланган имтиёзлардан фойдаланади.

Очиги, шу пайтгача Бадий академиянинг ўз биноси бўлмаган. Рассомларимиз асарларига гонорар олмасдан ижод қиларди. Халқаро фестивалларда иштирок этиши учун ҳаммамнинг ҳам имконияти етавермасди.



қайнок ижодий муҳитга товланган. Академия тасарруфидоги олий ва ўрта таълим муассасаларининг фаолияти хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириб бормоқда.



Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятига бир назар ташлаб, тасвирий ва амалий санъатимиз изчил ривожланаётгани, соҳага кўплаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани, малакали кадрлар тайёрлаш борасида саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилганига амин бўлдик.

Адиба УМИРОВА, "Hurriyat" муҳбири

Суратлар Бадий академия сайтидан олинди.

“Чинни”ни авайлашнинг йўли -



► Муталаа

Наманган вилояти Норин туманидаги ўн маҳалланинг кутубхонасига тўрт мингта китоб топширилди.

Наманган вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Фукараларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви, Маънавият ва маърифат маркази томонидан жамланган китоблар маҳаллалар китобсеварларига етиб борди.

маҳалла кутубхонасига тўрт юзта адабиёт топширилди. - 2018 йилда туманимизда ўтган "Ёш китобхонлар" танловиди 2-ўринни олдим, - дейди 22-ўрта мактаб битирувчиси Муаззам Хайдаралиева. - Бу йил маҳалламизда "Китобхонлар клуби"ни очмоқчиман. - Ажралишларнинг 95 фонзи маънавиятнинг пастлигидан, жиноятларнинг аксарияти китоб ўқимасликдан келиб чиқади, - дейди


"Сузоқовул" маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис Шоирахон Зокирова. - Бу йил маҳалламизга ўнга келин тушди. Уларни оилага тайёрлаш, касба ва фойдали меҳнатга ўргатиш, эр-хотин ва қайнона-келин муносабатларини, бола тарбияси бўйича иш олиб бориш - бирламчи мақсадимиз. Бу борада бизга аввало китоб ёрдамчи. Маҳалламизда ҳозир 13 нафар алимент тўловчи эркак, 12 алимент олувчи аёл бор. Эътибор беринг, ажрашган йигитларнинг 10 нафари ўйланган, учтаси ҳамон сўққабош. Қизларнинг эса бирортаси қайта турмушга чиқмаган. Улар билан суҳбатларимиз чоғида арзи-маган сабабларга кўра ҳаётини барбод қилганидан пушаймонлиги сезилади. Аммо синган чиннини тузатиб бўлармиди. Хар бир хонадонга китоб кириб боришининг чораларини кўриш ҳаракатидаимиз.

Лазиз РАҲМАТОВ, журналист

Ҳикматлар хазинасидан

Икки ҳикматни ёдлаб ол. Биринчиси - ғазабинг чўққига чиққанида қарорлар қабул қилма. Иккинчиси - бахтли ҳаёт чўққисига чиққанигда ваъдалар берма.

ЛААМИКОРДА БУҒДОЙ ПИШДИ



Footer containing contact information for Hurriyat newspaper, including phone numbers, addresses, and social media links.